



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 10-aprel • Shanba • 43 (31.163) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Р.Х.Қодировни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига янги муддатга тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 12-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ:

**Рашидjon Ҳамидович Қодиров** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига янги муддатга тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 9 апрел

## Ижодий изланишга ундовчи танлов

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш ва амалдаги эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Журналистларнинг маҳоратини ошириш, уларда фаол фуқаролик позицияси ва юрт тақдирини учун дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бу борадаги эзгу ишлар асосини ташкил этади. Хар йили ўтказилаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳанинг фаол, изланувчан ва фидойи хо-

димларини рағбатлантиришда катта омил бўлмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур танлов жорий йилда йигирма етти номинация бўйича ўтказилади. Танловда БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки сингари халқаро ташкилотлар ҳам ўзларининг мукофотлари билан қатнашади.

Танловга материалларни қабул қилиш жараёни якунланди.

Ҳолиб ва совриндорлар 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини эълон қилинади.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ



Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз, айниқса, ёш авлодни буюк аждоларимизнинг бой меросидан баҳраманд этиш, ўғил-қизларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказишда бобомиз Амир Темурнинг ҳаётий ўғитлари муҳим ўрин тутади. Соҳибқирон таваллудининг 674 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Анъанага кўра пойтахтимизнинг Амир Темур номи билан аталуви ҳамда бугунги кунда янада кўркам ва фусункор кўёфа касб этган хибон 9 апрель кун эрталабданоқ вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият юритаётган элчионалар вакиллари, олимлар, ижодкор зиёлилар, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар билан гавжум бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Буюк Британиянинг мамлака-

тимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Руперт Жой, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида демократик, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, юрт келажаги бўлган ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳияти, эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотларга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2-бет >>>

Бошланғич ташкилотлар — ЎзХДПнинг асосий таянчи

## БПТ ишини янада кучайтириш

масалалари фаолларнинг муҳокамасида бўлди



ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини янада ошириш масалаларига бағишланди.

Тошкент шаҳар минтақавий ахборот-

таҳлил маркази раҳбари Баҳодир Мамадиев жамиятда сиёсий партиянинг ўз кўёфасига эга бўлишида БПТнинг ўрни ҳақида сўз юритди.

— БПТ — партиянинг ўзаги, — деди у. — Агар бошланғич ташкилотлар фаол бўлмаса партиянинг ҳам таъсири бўлмайди. Аксинча, қаерда куйи бўгин туман кенгашлари билан ҳамкорликда фаолият

олиб борса, электорат манфаати йўлида ташаббуслар билан чиқса, партиянинг таъсир кучи юқори бўлади. Аммо таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, айрим бошланғич ташкилотларнинг шаҳар ва туман партия кенгашлари билан алоқаси узлиб қолган.

2-бет >>>

Аёл спорт  
устозлари  
меҳнати  
қадр  
топмоқда

> 2

Ичкиликбозлик

унинг инсон, жамият ҳаётига таъвоузи ва бу иллатга етакловчи омиллар ҳамда уни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида

> 3

Ватан битта,  
мақсад битта!

Наманганда «Биз бир замон ва бир замин фарзандларимиз» мавзусида анжуманлар бўлиб ўтди.

> 4

...халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожига доир аниқ вазифаларни ҳал қилиш борасидаги ишларга партия таъсирини ошириш зарур.

Пойтахтимиздаги Интерконтиненталь меҳмонхонасида учинчи Халқаро Тошкент сугурта форуми — «TIIF — 2010» ўз ишини бошлади.

### Хушхабар

## Боксчиларимизнинг Туркиядаги муваффақияти

Анкара шаҳрида бокс бўйича ўтаётган халқаро турнирда йигирмадан зиёд мамлакатдан келган чарм кўлқоп усталари куч синашмоқда.

Терма жамоамиз аъзоларидан жаҳон чемпионати совриндори Ботиржон Маҳмудов дастлабки учрашувда грециялик Пуликос Тсагракосга қарши рингга чиқди. 69 килограмм вазн тоифасида ўтказилган мазкур жанг 5:0 ҳисобида боксчимиз фойдасига ҳал бўлди.

Оғирлиги 57 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида ёш спортчимиз Шохруҳ Хўжабеков мисрлик Муҳаммад Макрамдан 11:5 ҳисобида устун келди.

Зоҳир **ТОШХҲАЕВ**,  
ЎЗА шарҳловчиси

## 1 САВОЛГА ЖАВОБ

### Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш учун нималар қилиш керак?

— Ўтган даврдаги фаолиятимиз таҳлили Жамоатчилик қабулхоналари ишини янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда.

Мисол учун, партия кенгашлари ижроия кўмиталари қабулхоналарида ишни мунтазам, доимий асосда ташкил этишнинг механизминини қайта ишлаб чиқиши керак.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партияимизнинг сайланма органлари аъзолари, етакчилари, йирик корхона, ташкилотлар раҳбарлари бўлган фаоллари жамоатчилик қабулхоналарига изчил жалб этилмоғи керак.

Бундан ташқари, фуқароларни бир ой давомида қайси кунлари кимлар, қаерда қабул қилиши ҳақидаги эълонни туман, шаҳарнинг барча маҳаллаларига маълум қилиш мақсада мувофиқ. Бу эса қабул қилаётган одамнинг касби, мутахассислигига қараб, электоратимиз вакиллари кимнинг қабулига боришини ҳал қилиб олишига имкон яратади. Олайлик, тиббий хизмат кўрсатиш сифати масаласида инженер мутахассислигига эга фаолга мурожаат қилгандан кўра, тиббиётга яқин кишининг қабулига бориш масаланинг тезроқ ва самаралироқ ечимига хизмат қилади, деб уйлайман.

### Депутатлар билан учрашув

## Ахборот- кутубхоналар фаолияти

тўғрисидаги қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда

Мамлакатимизда ахборот-кутубхоналар фаолиятини тубдан такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг мазкур соҳага оид талаблари, усиб келаётган авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида ахборот-кутубхона хизматини янада ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

O'zbekiston havo yo'llari

## TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

### 10 апрель об-ҳавоси

Юртимизда	Дунё бўйлаб
Тошкент — 26°C	Лондон — 18°C
Самарқанд — 25°C	Париж — 17°C
Нукус — 20°C	Москва — 17°C
Қарши — 27°C	Мадрид — 21°C
Урганч — 20°C	Пекин — 25°C
Навоий — 25°C	Гонгконг — 23°C
Фарғона — 24°C	Рим — 20°C
Бухоро — 25°C	Анкара — 11°C
Анджон — 24°C	Токио — 17°C
Наманган — 24°C	Стокгольм — 13°C
Термиз — 30°C	Кейптаун — 27°C
Жиззах — 24°C	Қоҳира — 25°C
Сирдарё — 24°C	Гаванна — 31°C
Тошкент вил. — 24°C	Вашингтон — 24°C
	Нью Йорк — 27°C



(Давоми. Боши 1-бетда.)

# Соҳибқиронга эҳтиром

Бунда миллий ўзликни англаш, умрбоқий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, янада раванк топтириш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, тарғиб этиш орқали ёшлар тафаккурини, маънавиятини бойитиш билан боғлиқ масалалар муҳим ўрин тутди.

Соҳибқирон Амир Темур улуғлаган, ўзининг ҳаёт мазмунига айланган эзгу гоё ва тамойиллар бугунги кунда юртимизда тадрижий, чуқур илмий асосланган, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган кенг кўламли ислохотларга ҳамоҳанг экани билан ҳам аҳамиятлидир. Миллий давлатчилик асосларининг мустаҳкамланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг қарор топиши, барқарор тараққиётни таъминлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар қалби ва онига ватанпарварлик, фидойилик, Ватан келажаги учун дахлдорлик, маънавий бедорлик, огоҳлик ва хушёрлик туйғуларини чуқур синг-

дириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, маънавий-маърифий соҳаларни изчил ривожлантириш борасидаги ибратли ишлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мардлик ва жасорат, саховат ва муруват тимсоли бўлган Амир Темур ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси, жаҳон цивилизацияси тарихида тугган ўрни ва аҳамияти дунёда кенг ўрганилмоқда. Бу Амир Темур гоёларининг нечоғли ҳаётбахш ва долзарб экани баробарида Ватанимиз тарихи, бетақдор маданиятимиз, маънавиятимизга бўлган қизиқишнинг халқор миқёсда ортиб бораётганидан далолатдир.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойга гулчамбарлар кўйдилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Орипов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Шу кун пойтахтимиздаги давлат музейида «Темурийлар даври ренессанси» мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Таниқли олимлар, маънавият тарғибчилари, ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этган тадбирда Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон цивилизацияси, тарихи, маданияти ривожига тугган ўрни, буюк аждодларимиз ибратли ҳаётининг ёшлар тарбияси ва маънавиятидаги аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.

Музейда таниқли мусаввир ва талаба-ёшларнинг ижод намуналаридан иборат бадиий кўргазма ташкил этилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



Асқар БЎЖУБОВ (ЎЗА) олган суратлар.

# Ахборот-кутубхоналар фаолияти

### тўғрисидаги қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти маънавий марказида ўтказилган «Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоначилик фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги давра суҳбатида бу ҳақда батафсил фикр юритилди. Тадбирда мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келиб, институтда маълум ошираётган ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, илмий ходимлари ва олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг истиқболга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастури ишлаб чиқилган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳафиза Каримова. — Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар талаблари билан узвий боғлиқ ҳолда, партиянинг Сайловдаги дастурида илгари сурилган, электротат манфаатлари билан боғлиқ қатор қонунлар лойиҳаларини ишлаб чи-

қиш белгиланган. Шулар қаторида «Ахборот-кутубхоналар фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида ишлаш ҳам режалаштирилган. Ушбу дастурда белгиланган қонун лойиҳаларини пишиқ, пухта ва ҳар томонлама талабга жавоб берадиган даражада ишлаб чиқиш учун аввало партия электротати билан алоқаларни мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни ўрганиш бу борадаги ишларни изчил олиб бориш лозим. Бу қабул қилинган қонунлар жойларда қандай ишлайётгани, бугун яна қандай қонунларга эҳтиёж мавжудлиги, электротатимиз қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича яна қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини аниқлаш имкониятини яратди. Бугунги суҳбатимиз ҳам ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоначилик фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари, муаммолар ҳамда уларнинг қонуний ечимлари ҳақида бўлди.

— Мустақиллик йилларида институтимиз бу соҳада 3 мингдан ортиқ мутахассислар тайёрлади, — деди институт ректори,

профессор Азиз Тўраев. — Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан сўнг кадрлар тайёрлаш ишлари янада такомиллашди. Айни пайтда 254 нафар бакалавр, 18 нафар магистр ҳужжат юритиш ва ҳужжатшунослик, ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик бўйича таълим олмақда. Депутатлар ҳамда мутахассисларнинг бугунги ўзаро фикр алмашуви ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари фаолиятининг такомиллашувига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Давра суҳбати қизгин баҳс-мунозаралар, фикр алмашувлар асосида ўтди. Мутахассислар, соҳа ходимлари масала юзасидан ўз мулоҳазалари ва таклифларини айтишди. Улар асосида ахборот-ресурс марказлари ҳамда кутубхоначилик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга мўлжалланган қонун ижодкорлиги ишларнинг қўшимча йўналишлари белгилаб олинди.

**Гулрух ОДАШБОВА,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**мухбири.**



# БПТ ишини янада кучайтириш

### масалалари фаолларнинг муҳокамасида бўлди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Аввало, БПТ атрофида бирлашган фаоллар ўз олдига турган вазифалар моҳиятини тўғри англаши лозим, — деди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти бош илмий ходими Рустам Саидов.

— Маълумки, бошланғич ташкилотлар фуқароларнинг айнан иш ва яшаш жойларида тuzилади. Уларнинг етакчилари ҳар кун одамлар орасида. Демак, кундалик ҳаётдаги муаммолар, партия электротатини ташвишлантираётган ижтимоий масалалар уларга кўпроқ аён.

— Бошланғич ташкилотлар давлат ва жамият ташкилотлари билан алоқани кучайтириб, маълум мавзулар бўйича давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ўтказиб туриши лозим, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова. — Шунингдек, бошланғич ташкилотлар орасида мониторинг ўтказиб туриш, фаол БПТ тажрибаларини тарғиб этиш, оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Туман кенгашлари БПТни мунтазам таъминлаб туриши, шу орқали кўйи бугун фаолиятини жонлантириши лозим.

— Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан билдирган тахлий-танқидий фикрини аслида бизга нисбатан айтилган танқид, деб қабул қилишимиз лозим, — деди ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши раиси Камолдин Ақромов. — Чунки сайловда биз бундан-да кўпроқ овоз олишимиз мумкин эди. Бунинг учун эса бошланғич ташкилотларимиз имкониятларидан ҳам



тўлақонли фойдаланишимиз керак. Менимча, келгуси сайловга ҳозирдан тайёргарлик қириш учун эътиборни султ ишлаётган БПТга қаратиш лозим. Партия ташкилотлари етакчилари, фаоллар қандай долзарб масалаларни кўтараяпти? Худудий муаммоларни ҳал этиш учун қандай таклифлар айтилапти? БПТ етакчиларининг барчаси ҳам бирор масала юзасидан таклиф айта оладиган қобилият, салоҳиятга эгами? Бу каби саволларга жавоб топиш учун аввало, Президентимизнинг қўшма мажлисидаги маърузаси мазмунини англашимиз зарур.

Давра суҳбати якунида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган таъясирлар ишлаб чиқилди.

**Дилфўз ЗАЙНИЕВА,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Муносабат

Мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтириш бўйича беқиёс ишлар амалга оширилгангани ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Кейинги йилларда қишлоқ спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

# Аёл спорт устозлари меҳнати қадр топмоқда

Яратилаётган шароитлар ёшларни жисмонан соғлом, бақувват бўлиб вояга етишлари, ўз истеъдодларини намоён этишларига хизмат қилмоқда. Аммо бу борада бизни ўйлантираётган масалалар ҳам бор албатта. Улардан бири — қишлоқ қизлари ўртасида спортни оммалаштириш, аёл спорт устозларини тайёрлаш масаласи билан боғлиқ.

Президентимизнинг «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу муаммолар ҳал этилиши ва қизлар ўртасида спортни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.

Мураббийлик соҳасида иш бошлаганимга эндигина уч йилдан ошди. Ота-она фарзанди камолини кўриб қанчалик қувонса, биз мураббийлар ўз шогирдларимизнинг ҳар бир ютуғидан шунчалик фахрланамиз. Спорт мактабимизнинг енгил атлетика бўлимида ўттиздан зиёд ўғил-қиз шугулланяпти. Утган йили Гулистон шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ноҳиллари» республика спорт ўйинларида шогирдим Жамила Ғойипова найза улоқтириш бўйича олтин медалга сазовор бўлди. Мактабимизда катта ютуқларни қўлаб, астойдил ҳаракат қилаётган ёшлар талайгина. Уларнинг истеъдодини юзага чиқариш биз устозларга катта масъулият юклайди.

Бугун вилоятимизда 109 нафар аёл спорт мураббийлари фаолият кўрсатаётган бўлса, шулардан 68 нафари қишлоқлардаги спорт мактаблари ва таъмуларидеда меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тажриба ва маҳоратга эга. Давлатимиз раҳбарининг қарори бизга курсатилган катта ғамхўрлик ва ишонч, айни пайтда баркамол авлод тарбияси йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

**Шаҳноза РАҲМАТОВА,**  
**Бөвүт туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси.**

Газетада босилмоди, аммо...

# «Газ таъминоти яхшиланди»

Фарғона вилояти, Данғара тумани, Урганчи қишлоғида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг газ таъминотидаги узиллишлар ҳақида тахририятга йўлаган шикоят хати вилоят ҳокимлигига юборилган эди. Шунда жавоб олдик. Унда жумладан, шундай дейилади:

«...Шикоят хати тегишли мутахассислар томонидан атрофича ўрганиб чиқилди. Урганчи туманидаги Данғара тумани, Урганчи маҳалла фуқаролар йиғинида жами 235 та хонадон табиий газ билан таъминланган бўлиб, қиш мавсумида об-ҳаво ҳароратининг кескин совуви кетиши ҳамда магистрал газ қувурларида табиий газ босими пасайиб кетганиги натижасида қишлоқда табиий газ таъминоти бўйича узиллишлар юзага келганлиги аниқланди.

Урганчи маҳалла фуқаролар йиғинидаги аҳоли хонадонларида табиий газ таъминотини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди ҳамда мавжуд газ тақсимлаш қурилма(ГРП)лари босимга солангани натижасида газ таъминоти яхшиланди.

**А.РАҲИМОВ,**  
**вилоят ҳокимининг ўринбосари**

# Ўз мухбирларимиз хабар қилади

## Ёш оилаларга уйлар

Яқинда Пахтачи туманида ҳар бири 3-4 хонали 20 та кўркам, шинам, барча қўлайликларга эга бўлган турар-жой масканлари фойдаланишга топширилди.

— Замонавий уй-жойлар қурилиши учун акционерлик-тижорат «Қишлоққурилишбанк»нинг Самарқанд филиалидан 1 миллиард сўм кредит ажратилган эди, — дейди «Ободон Феруз» қурилиш корхонаси раҳбари Анаора Тошқулова. — Уйлар худуднинг иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда қурилди. Лойиҳа дизайни ҳам ўзига хос. Уй-жойлар харид қилиш учун «Қишлоққурилишбанк» томонидан ёш оилаларга 25 фоизлик имтиёзли кредит маблағи ажратилган. Биноларнинг том қисми черепица билан ёпилган, мебель жиҳозлари ўрнатилган, коммунал тизими ҳам қўлай. Янги маскан учун электр узатгич тармоғи, табиий газ, ичимлик суви тизими алоҳида тартибда ўтказилган. Йул ва уйларнинг атрофлари обод ва кўркамлаштирилган.

— Ёш оилаларга катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Биз ҳам 4 хонали янги уйга эга бўлдик, — дейди Шерзод Худойқулов.

Вилоятда йил охиригача яна 650 хонадонли турар-жой масканлари қурилиши режалаштирилган.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида бўлиб ўтган ярм йилликлар армаркасида туманининг 18 та корхона, ташкилот ва муассасаси 152 та бўш иш ўрнини таклиф қилди.

## Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Ярмаркада кўшни туманлар, қолаверса, вилоят маркази — Гулистон шаҳридан келиб, ишга жойлашиш истагини билдирганлар ҳам кўп бўлди. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбир жараёнида 81 киши доимий иш ўринларига йўланма олди. Айримларга мутахассислар томонидан меҳнат қонунчилигига оид маслаҳат ва курсатмалар берилди.

**Ортиқ СУЛТОНОВ**

# Халқаро форум иш бошлади

Пойтахтимиздаги Интерконтиненталь меҳмонхонасида учинчи Халқаро Тошкент сугурта форуми — «TIF — 2010» ўз ишини бошлади. Унда миллий сугурта компанияларимиздан ташқари Австралия, Буюк Британия, Франция, Россия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Мароккаш, Малайзия, Туркия, Словения, Украина, Латвия, Қозғоғистон сингари дунёнинг йигирмага яқин мамлакатларидан келган сугурта компанияларининг 200 га яқин мутахассислари иштирок этмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодиёти барқарор бўлиши, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофазага олиниши, шунингдек, иқтисодиёт ривожини рағбатлантиришда сугурта хизматлари катта аҳамиятга эга. Сугурта бозори институционал инвестиция манбаларидан бири бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шу боис ҳукуватимиз миллий сугурта бозорини ривожлантириш, аҳоли орасида сугуртани оммалаштириш учун зарур бўлган барча шароитларни яратмоқда. Натижада миллий сугурта бозори тез суръатларда ўсиб бораётди. Буни барқарор макроиқтисодий вазият республиканинг ялли ички маҳсулоти ҳажмида соҳа улushi 1991 йилги 16,3 фоиздан 2009 йилда 47,2 фоизга ортганида ҳам кўриш мумкин.

Форумда иштирок этаётган хориж компаниялари вакиллари юртимизда сугурта соҳасини эркин ривожлантириш учун зарур имкониятлар яратилганини таъкидлашмоқда.

— Бизнинг компаниямиз МДХ доирасида, одатда, Россиядаги йиллик фирма ва компаниялар билан

ҳамкорлик қиларди, — дейди Ҳиндистоннинг «KM Dastur Holdings LTD» халқаро сугурта ва инвестиция компанияси вакили Арун Кумар. — Инқироз шароитида ўзбек сугурта бозоридедаги барқарор вазиятни кузатиб, алоқа ўрнатсак, тажриба алмашсак, фойдадан холи бўлмайди деб ўйлайман.

Ҳозир дунёда электрон сугурта тизимини жорий қилиш, истеъмолчи ҳуқуқини ҳар ерда, ҳар қачон ҳимоя қила олиш маҳаллий соҳа вакиллари учун долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Австриянинг «Audatex Osterreich» халқаро сугурта компанияси мутахассиси доктор Ричард Натшлегер мазкур тизимдаги сўнгги ютуқларни маҳаллий сугурта компаниялари билан ўртоқлашиш, улар билан ҳамкорлик қилиш барқарор ривожланаётган Ўзбекистондан ишончли шерик топишга имкон беради, деб ҳисоблайди. — Мамлакатимизда бу борада эришилаётган ютуқлар аллақачон қўлаб хорижий компанияларнинг эътиборини тортиб улгурган. Форум иштирокчилари билан суҳбат асосида биз бунга яна бир бор амин бўлдик, — дейди у.

— Мутахассисларнинг очик мулоқоти бир-бирларининг янги имкониятларини очибга хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон сугурта бозори профессионал катнашчилари уюшмаси бош директори Миродил Содиков. — Жадал суръатлар билан илгарилаётган иқтисодиётимиздаги сугурта сектори янада такомиллаштиришда бу каби халқаро форумлар алоҳида ўрин тутди.

Тадбир давомида катнашчилар миллий ва хорижий сугурта ҳамда қайта сугурта бозорларининг аҳоли, устувор йўналишлари, халқаро қайта сугурта бизнесини ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини муҳокама қилиб, худуд сугурта соҳасининг салоҳияти ҳамда кенг инвестицион имкониятлар билан танишдилар.

Форумнинг иккинчи кунинда соҳа ривожига қўлга киритилган ютуқлар учун топширилган «Олтин соябон» жамоатчилик мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Анжуман 11 апрелга қадар давом этади.

**Шаҳобиддин МУСАЕВ**

Биз сезиб, сезмаган хавф-хатар

Шу йилнинг 1 февраль куни «Андижон — Кулла» автомобиль йўлининг 7-километрида ҳаракатланаётган давлат рақами 17 L 5628 ЗИЛ русумли автотранспорт воситаси йўл четида келаётган Икром Исомиддиновни уриб юборди. Пиёда ўша жойда вафот этди. Маълум бўлишича, ҳайдовчи Алишер Тўйчиев маст бўлган...

нида, ўша ароқ тайёрланган этил спирти соғлиқ учун ўта хавфли экани, стандарт талабларига мутлақо жавоб бермаслиги маълум бўлган. Бу ароқни тайёрлаб, аҳолига сотган 16 та фуқаро жавобгарликка тортилган.

Дарҳақиқат, яширин цехлар орқали қўлбола усулда тайёрланган алкоғоль маҳсулотлари соғлиқ учун жиддий хавф туғдириши ҳеч кимга сир эмас. Лекин мамлакатимиз ҳудудига ишлаб чиқарилаётган, сақланаётган ва сотилаётган маҳсулотларга нисбатан стандарт талабларини бажариш бўйича давлат назоратини олиб боради.

Қонун ҳужжатлари орқали алкоғоль маҳсулотларини сотишга нисбатан талаблар каттиқлаштирилган. Айтиллик, алкоғольли маҳсулотлар билан савдо қилиш дўконлари ало-

2008 йилда текширилган 205 ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жумладан, «Ўзвн-носаноат-холдинг» ХК тасарруфига 22 та корхонанинг деярли ҳаммасида алкоғольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, сотиш ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш қоидалари бузилган.

жазо чорларини кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди ИИБ ЙҲХББ матбуот хизмати раҳбари, подполковник Анвар Сулаймонхўжаев. Миллий қонунчилигимизга биноан ичган ҳолда автомобиль бошқарган шахсга нисбатан энг кам иш ҳақининг 5-7 баравари миқдорига жарима қўлланилиши ёки улар 1 йилдан 2 йилгача ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин. Йил давомида шундай ҳолат яна такрорланса, ҳайдовчи 3 йил муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Кўпгина чет давлатларда бу борадаги қонун талаблари нисбатан қатъий эканини кузатиш мумкин. Масалан, Японияда ичган ҳолатда автомобиль бошқарган ҳайдовчи, агар ёнида йўловчи бўлса 3 минг доллар миқдорига жаримага тортилади. Агар у маст ҳолда автотранспорт воситасини бошқарса, 8700 доллар миқдорига жарима тўлаши ёки 5 йил озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Осака шаҳридаги пиво барнинг сотувчиси била туриб автомобил бошқарувидagi фуқарога пиво сотган, шу сабаб бар хўжайини ҳибсга олинган. Бу хабарни кўпчилик ўқиган бўлса керак. Россия ва Украина давлатлари қонунчилиги ҳам ичган ва маст ҳолда автотранспорт воситасини бошқарган ҳайдовчига нисбатан қаттиқ жазо чораларини қўллайдди. Нимага десангиз, бундай ҳолатда ҳайдовчи аввало ўзининг, қолаверса, ўзгаларнинг ҳаётини хавф остига қўяди.

— Спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилувчиларда юрак-қон томир касалликлари — гипертония, миокардиодистрофия, кордиосклероз, ошқозон ичак яраси, гепатитлар, гепатохолецистит ва сил касаллиги тез-тез учраб туради, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдами бош бошқармаси бошлиги Д.Миразизов. — Алкоғольнинг оғир асоратлари ўз жониға қасд қилиш ва травматизм ҳисобланади. Унинг келиб чиқиши соғлиқ, биология, психология омилига таъсирида бўлиши мумкин. Алкоғоль билан хасталанган беморларнинг оилаларини ўрганган мутахассислар оилавий жанжаллар, ажралишлар ва маълумотнинг пастиги бунга сабаб бўлганини эътироф этишади. Алкоғоль билан соғлиқнинг ҳаётини қўйиб қўйиш мумкин. Алкоғоль билан хасталанган беморларнинг оилаларини ўрганган мутахассислар оилавий жанжаллар, ажралишлар ва маълумотнинг пастиги бунга сабаб бўлганини эътироф этишади.

Мутахассисларнинг фикрича, алкоғоль маҳсулотлари рекламани қўйиладиган талабларни қатъийлаштириш ёки умуман бекор қилиш мақсадга мувофиқ. Негаки, алкоғоль бугун шундай маҳсулот турига айландики, у рекламага муҳтож бўлмайд қолди. Қолаверса, тартибот, яъни реклама инсон учун фойдали нарсаларга қаратилгани маъқул. Ичкилик эса қадимдан ҳозирга қадар инсонлар бошиға фўқат қўфлат олиб келмоқда, холос.

«Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Алкоғольли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси томонидан ўтказилаётган текширувлар натижаси ҳам алкоғоль маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтиришдан иборат. 2000 йили «Ўзстандарт» агентлиги ҳузурида Алкоғольли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси ташкил қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан бу инспекция

рўлға ўтирилган нисбатан стандарт талабларини бажариш бўйича давлат назоратини олиб боради. Қонун ҳужжатлари орқали алкоғоль маҳсулотларини сотишга нисбатан талаблар каттиқлаштирилган. Айтиллик, алкоғольли маҳсулотлар билан савдо қилиш дўконлари ало-

Хорижда



АҚШ Меҳнат вазирлигининг статистика бюроси маълумотларига кўра, март ойида мамлакатда ишсизлик даражаси февраль ойидаги даражада сақланиб қолди, яъни 9,7 фоизни ташкил этди.

Ишсизлик даражаси

Ўзгаришсиз қолди

«DailyFX.com» интернет-портали таҳлилчилари ҳисоботида қайд этилишича, ўтган йилнинг октябрида АҚШда ишсизлик 10,2 фоизга чиққан эди. Бу кейинги 26 йил ичидаги энг юқори кўрсаткич бўлган. Иқтисодийнинг қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳаларида иш ўринлари яратиш март ойида 162 мингга кўпайди.

АҚШ молия вазирлиги Тимоти Гайтнернинг «NBC» телеканали журналистига берган интервьюсида таъкидлашича, мамлакат меҳнат бозорига вазиёт оз-оздан бўлса да яхшиланиб бормоқда. Аммо таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, ишсизлик даражаси узок вақт юқориликча сақланиб туради.



Икки йирик авиакомпания

бирлашади



Испаниянинг «Iberia» ва Буюк Британиянинг «British Airways PLC» авиакомпаниялари раҳбарлари жорий йил охирида ўзаро бирлашиш ҳақидаги шартномани имзолашди.

Хўжада таъкидланишича, дейилди «Финмаркет» мажорда, бирлашиш акциядорлар, жиҳозлар ва иккала авиакомпания ишчи-ҳодимлари учун фойдалидир.

Икки йирик авиакомпания бирлашуви натижасида дунёдаги энг йирик янги авиагруппа — «International Consolidated Airlines Group» холдинг компанияси ташкил топади. Унинг иштирокида 200 та йўналиш бўйича йилга 58 миллиондан ортиқ йўловчиға хизмат кўрсатуви 408 та ҳаво лайнери бўлади.

Бирлашувдан сўнг «British Airways PLC» авиакомпаниясининг акциялари янги холдинг компания акцияларига 1:1 тарзда, «Iberia»ники эса 1:1,0205 тарзда алмаштирилади.

Ушбу бирлашув жорий йил ноябрда икки авиакомпания акциядорлари ва Европа Иттифоқи томонидан маъқулланиши лозим.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, агар «British Airways PLC»нинг пенсия дастури «Iberia»ники қўйилса, «Iberia»га бирлашув шартномасини бекор қилиш ҳуқуқи берилди.

Ҳарбий тўқнашувларда

нобуд бўлганларға қараганда кўп

БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссарининг Афғонистондаги вакили Нора Ниланднинг матбуот анжуманида баён қилишича, мамлакатда қашшоқликдан нобуд бўлганлар сонини ҳарбий тўқнашувларда қурбон бўлганларға қараганда анча кўп экан. Маърузада қайд этилишича, бугунги кунда Афғонистон дунёдаги энг қашшоқ давлатлар сирасига кирди. Аҳолининг учдан бир қисми қашшоқлик гирдобига «ғарқ» бўлган.

БМТ вакили Афғонистоннинг 34 та музофотдан 14 тасида ўтказган тадқиқот ва кузатув натижалари бунини тасдиқлайди.

«Новости» АА хабарига кўра, маърузада яна қуйидаги маълумотлар ҳам келтирилган: Афғонистон оналар ўлими бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Ҳар йили туғиш билан боғлиқ асоратлар боис 25 минг аёл ҳаётдан кўз юмади. Фақат 23 фоиз аҳолиғина тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга. 15 ёшдан ўтган афғонистонликларнинг 24 фоизигина ўқиш ва ёзишни билади. Аёллар орасида саводхонлик даражаси эса бундан-да паст.



МУЛЧЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЫН НАЗАР, БАРЧА ҚИРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Андижон вилоят ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ҳамда
Андижон муҳандислик иқтисодий институти
қуйидаги иншоотларға пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
1. Марҳамат тумани Қорақўрғон ҚФЙ, (Норайбура) Окбш МФЙдаги сув тармоғи қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 80 140 032 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 60 кун.
2. Қўрғонтепа тумани, Савай ҚФЙ, Бирлашган МФЙдаги сув қудуғи қурилиши;
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 77 832 332 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 45 кун.
Буюртмачи: Андижон вилоят ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси 45-уй.
Тел.: (998742) 24-19-97).
Қурилиш ишларини молиялаштириш: Буюртмачига ажратилган Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Андижон муҳандислик иқтисодий институти 2-ўқув биносини капитал таъмирлаш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 445 554 550 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 30 кун.
Буюртмачи: Андижон муҳандислик иқтисодий институти (Андижон ш. Бобур кўчаси 56. Тел.: (8-374) 222-16-30. Факс: 224-72-45)
Қурилиш ишларини молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларға: жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатнома-сига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлиғига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таъжрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс 224-72-79.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан қоридаги манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишнинг охириги муддати, оферталар очилиш кўни ва сотаётган танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.



ИЧКИЛИКБОЗЛИК

унинг инсон, жамият ҳаётига тажовузи ва бу иллатта етакловчи омиллар, уни бартараф этиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар ҳақида

Рўйхатда турадиган аёллар сонидан эса камайиш сезилмаган. Диспансер ҳисобида турувчи беморлар умумий сонидан аёллар 2006 йил — 7,2, 2007 йил — 7,3, 2008 йил эса — 7,2 фоизни ташкил қилган. Ўтган йил ҳам шу атрофдаги ҳолат қайд этилган. Аёлнинг келажақ тарбияси, миллат болаларининг онаси эканини ва алкоғоль истеъмолчи ҳомиля ривожига ўта салбий таъсир этиши медицинада тўлиқ тасдиқлангани назарда тутилса, ичкиликнинг нафақат инсон, қолаверса, жамият ҳаётига нечоғли зиён етказиб қўйганлиги аниқлаш қийин эмас.

Шу ўринда айтиш керакки, республикамизда норкология маркази, 17 наркология диспансери, 2 вилоят наркология шифохонаси ҳамда руҳий касалликлар шифохоналарида 11 та наркология бўлими ва барча туман марказий поликлиникалари ҳузурида 225 наркология хоналари мавжуд. «Фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга асосан наркология ёрдами давлат давлолаш-профилактика муассасаларида бепул олиб борилади. Наркология хизматиға маблағ давлат бюджетидан ажратилади. Энди фуқароларнинг оғуға берилиши, қашшоқлик, алкоғоль билан хасталаниш қанча инсоннинг ҳаётини қўйиб қўйди!

Тўғри, ичкилик сизнинг кўзингизга дастурхонингиздаги бир нәмат, дўстлар кўнглини олувчи восита, қўлфи-дилнинг қалити, ниҳоят, машаат-боши бўлиб кўриниши мумкин. Лекин бу нәмат инсон танисига оғу бўлиб кириб бориши ёки соғлигиниз, умуман, тирикчилигингизга қишан солиши ҳеч гап эмас.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг олинган маълумотига кўра деярли ҳар йил 2,3-2,5 фоиз беморлар ўлим тўғрисида рўйхатдан чиқарилади. Англиясизми, уларни бахтсиз ҳодиса ёки ажал эмас, айнан алкоғоль тиреклар сафидан ўчириб ташламоқда. Бу миқдорга маст ҳолда автомобиль бошқариш оқибатида ҳамда ичкиликбозлик тўғрисида содир этилган жиноятларда вафот этганлар сонини қўшсангиз, ичкиликбозликнинг фожиаси янада тўлиқроқ намоён бўлади. Бунга сифатсиз, қўлбола алкоғоль маҳсулотлари истеъмолчи етказиб қўйганлиги аниқлаш қийин эмас.

Бундан бир неча йил илгари Қўқондаги бозорлардан қўлбола спирт сотиб олиб, истеъмол қилиши оқибатида 10 нафар фуқаро вафот этган, яна 9 таси саломатлигини йўқотган. Кейинчалик бу ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатилиб, суд иши олиб борила-

истеъмолчи қайси ароқ қўлбола, қайси бири завод маҳсулотлари эканини кўп ҳам фарқлай олмайди. Чунки қўлбола ароқ ясовчилар жуда «уста» бўлиб кетишган. Масаланинг хавотирли жиҳати шунда.

Давлат солиқ қўмитаси маълумотиға кўра, сўнгги уч йилда алкоғольли маҳсулотларнинг ноқонуний савдоси, уларни яширин ишлаб чиқариш ва истеъмолға яроқсиз маҳсулотни сотиш билан боғлиқ 5282 ҳолат аниқланган.

Алкоғольли ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 146 та яширин цех фаолиятиға чек қўйилиб, 3938 литр спирт, 194,3 минг дона шиша қоққоқлари, 164,5 минг дона акциз марказлар долийий оғиб сифатида олиб қўйилган.

Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 1763 ҳолатда жиноий иш кўзгатирилган. Мамлакатимиз божхоначилари томонидан эса ўтган йили спирт ва алкоғольли ичимликларнинг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ 970 та ҳолат фош этилган. Натижада умумий қиймати 535,6 миллион сўмлик 148,6 минг литр спирт ва спиртли маҳсулотлар ушлаб қолинган.

Булар назорат органлари томонидан аниқлангани, холос. Лекин истеъмолға чиқариб юборилгани қанча? Бундай маҳсулотлар қанчалар одамларни захарлаётгани, соғлиғига қанг солгани ва иқтисодимизга нечоғли таъсир қилаётганини ҳисоблаб кўринг.

Давлатимиз алкоғоль маҳсулотларининг ноқонуний савдоси ва сифатсиз алкоғоль маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг олдини олишға қаратилган қатор чора-тадбирлар белгилаган. Ҳукуматимиз шу мақсадда 10 га яқин ҳужжат қабул қилган. Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ алкоғольли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун энг кам улғуржи ва чакана нархлар жорий қилинди. Бундан кўзланган мақсад — алкоғольли маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотишға йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтиришдан иборат. 2000 йили «Ўзстандарт» агентлиги ҳузурида Алкоғольли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси ташкил қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан бу инспекция

Маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш тўғрисида 356 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилган.
Мана шунинг оқибатида 440 нафар фуқарога тан жароҳати етказилган, 90 та инсон ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Йўл транспорт ҳодисалари етказган иқтисодий зарар миқдори бир неча ўн миллионни ташкил қилади.

Кишини ташвишға соладиган яна бир жиҳати шуки, «қора» статистикада ичкилик билан боғлиқ кўрсаткич ўсиб бораётти. Масалан, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш ҳолати 2006 йилда 64620 тани, 2008 йилда эса 67878 тани ташкил этган. Ўтган йили эса бу йилларга нисбатан маст ҳайдовчилар сони 2-5 мингга кўпайган.

2006 йилда маст ҳайдовчилар 84 та фуқаронинг умриға зомин бўлган, 425 та фуқарога тан жароҳати етказган. Қўриқиб турибдики, маст ҳолда рулга ўтирадиганлар сони, энг ёмони, улар етказиб қўйган зарар миқдори охири бормоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг олинган маълумотда қайд этилишича, алкоғоль билан касалданган инсон сони йил сайин камайяпти. Масалан, ҳар 100 минг аҳолиға нисбатан янгидан ҳисобға олинганлар сони 2006 йилда 21,97, 2007 йилда 20,7 ва 2008 йилда эса 17,9 ни ташкил этган. Диспансер ҳисобида турадиганлар сони 100 минг аҳоли сонига 2006 йилда — 220,9, 2007 йилда — 210,1, 2008 йилда эса — 182,0 ташкил қилган.

# Талабаларнинг катта спорт байрами

Бугун Андижонда «Универсиада-2010» республика финал босқичини ўтказишга қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. Спорт иншоотларида қурилиш — таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган. Қўчаларда амалга оширилган ободонлаштириш ишлари шаҳар чиройига чирой қўймоқда.

Андижон давлат университети, тиббиёт, муҳандислик иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалик институтлари жамоалари мусобақаларда фаол қатнашиши билан бирга меҳмонларни қутиб олиш ва турар-жой билан таъминлашга бош-қош бўлишди. Шу боис, бу ўқув масканларида ҳам қурилиш-пардозлаш, ҳам мусобақаларга тайёргарлик қизгин кетаяпти.

Албатта, университетнинг жозибаси унда кўрсатилганидан юқори спорт натижалари ҳисобланади. Шу боис андижонликлар ўз шаҳарларида ўтказиладиган университетда юқори натижаларни қўлаб туришибди. Бугун Андижоннинг спорт заллари, майдонлари, стадионлари «Универсиада-2010» мусобақаларига тайёргарлик қўраётган талабалар билан гавжум.

Биз ўйингоҳдаги талабалар орасида марҳаматлик Элёр Давлатовни учратдик. У мамлакатимизда ўтказилган мусобақаларнинг чинакам кашфиётларидан бири. Элёр 2002 йил энгил атлетиканинг тўрткураш йўналиши бўйича вилоят чемпионатида голиб чиққанида 9-синф ўқувчиси эди. Таниқли мураббий Раҳмон Жураев ёш спортчиға эътибор берди. Шу йилиёқ Элёр мазкур мусобақаларнинг мамлакат босқичида биринчилини қўлга киритди. Хоразмда ўтказилган «Умумий нихоллари — 2003» спорт ўйинларининг республика босқичида уч минг метр масофаға югуриш бўйича бронза медали соҳиб бўлди.

Элёр Давлатов Марҳамат агросаноат коллежи толиби сифатида Чирчиқ шаҳрида



Ўтказилган «Барқамол авлод — 2005» республика спорт ўйинлари финал босқичида 800 метрга югуришда вилоят жамоаси жағмармасига кумуш, уч минг метрга югуришда эса бронза медалларини қўшди. Андижон давлат университетининг жисмоний маданият факультетиға ўқишға қабул қилинган Элёр Давлатов Тошкентда ўтказилган «Универсиада-

2007» мусобақаларида 1,5 минг метр масофаға югуришда учинчи ўринни эгаллади. Кейинроқ у мамлакат чемпионатида 3000 метр масофаға югуришда Ўзбекистон чемпиони бўлди. Айни пайтда Элёр мураббий Рузи Иброҳимов ёрдамида жисмоний тайёргарлик машғулотларини ошириб бораёпти. Элёр ўзи қатнашадиган спорт турларида уни-

версиада рекордларини янгилашни ният қилиб қўйган. — «Универсиада-2010»ға пухта тайёргарлик қўраёلمиз, — дейди шоҳмат бўйича вилоят терма жамоаси бош мураббийи Иброҳимов Каримов. — Бизға Андижон давлат тиббиёт институтига раҳбарияти томонидан қўлай шароитлар яра-



Азаматжон ТОШМАТОВ олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
- Latif G'ULOMOV
- Bobir ALIMOV
- Sharbat ABDULLAYEVA
- Murodulla ABDULLAYEV
- Ulug'bek MUSTAFOYEV
- Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

G'afur HOTAMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV

Andrey KUSTOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13

Madaniyat va sport 233-69-45

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55

Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56

Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70

Buxoroda — 223-06-02

Gulistonda — 25-46-45

Jizzaxda — 227-48-35

Navoiyda — 223-83-73

Namanganda — 226-43-81

Nukusda — 222-77-21

Samarqandda — 35-02-55

Urganchda — 517-30-58

Farg'onada — 224-18-78

Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozining kompyuter markazida teriladi va sahifalandi».

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta sesbanha, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349

13887 nusxada bosiladi

Т — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 20.50

Topshirilgan vaqti — 00.00

1 2 3 4 5

Sohuvda erkin narxda

## СПОРТ → СПОРТ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи ўзгарди. Шу кунгача Тошкентнинг «Локомотив» футбол клубини бошқарган Вадим Абрамов энди мамлакатимиз бош жамоасига раҳбарлик қилади.

## Вадим АБРАМОВ — Бош мураббий

Ушбу қарор кунги кеча бўлиб ўтган УФФ Ижроия қўмитаси йўналишида қабул қилинди. — Терма жамоада ишлайдиган ҳар қандай мураббийнинг олдиға битта вазифа қўйилади, бу — мамлакат шарафини муносиб ҳимоя этиш деди Вадим Абрамов. — Ҳозирча мамлакатимизнинг бош жамоаси олдиға бирор-бир жиддий учрашув йўқ. Қўласи йили январда эса бизни Қатарда Осий чемпионати қутиб турибди. Ҳозирги вазифамиз миллий терма жамоа ўйинини яхши савияға кўтаришдан иборат. Тез кунлар ичида мураббийлар штабида қайси мутахассислар билан ишлашим ҳам аниқ бўлади.



Эркин ХОЛБОВО

Шу билан бирға УФФ Терма жамоалар маркази бош директори этиб Асқар Толибжонов тайинланди. Эсплатиб ўтамыз, бунгача 2008 йилнинг кузидан бошлаб Ўзбекистон миллий терма жамоасида Миржалол Қосимов бош мураббий бўлиб фаолият кўрсатганди. Вадим Абрамов миллий терма жамоамиз тарихидаги ўн олтинчи бош мураббий саналади. Уларнинг олти нафари хорижий мутахассис бўлган. Терма жамоамизнинг биринчи бош мураббийи Рустам Акрамов ҳисобланади. Бу мутахассис бошчилигида мамлакатимиз футболчилари 1994 йили Хиросимада ўтган Осий ўйинларида голиб чиққан.

«НАСАФ» КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚАДИ...МИ? Осий футбол конфедерацияси кубоги баҳсларида илк маротаба иштирок этаётган Қаршиннинг «Насаф» жамоаси гуруҳ босқичининг навбатдағи учрашувини ўтказди. Мусобақанинг «С» гуруҳида қатнашадиган Виктор Кумиков шогирдлари бу гал Қўвайтада «Қазма» футболчилари меҳмони бўлишди. Учрашувда ҳисоб очилмади — 0:0. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида Суриянинг «Ал-Жаиш» жамоаси «Ал-Аҳад» (Ливан) футболчилари билан куч синачди. Унда мезбонлар 6:3 ҳисобида зафар қўчдилар. Гуруҳнинг навбатдағи учрашувлари 20 апрель кунги бўлиб ўтади. Шу кунги «Насаф» — «Ал-Аҳад», «Қазма» — «Ал-Жаиш» жамоалари ўзаро баҳс юритишади.

Бугунги шиддатли замонда огоҳлик ва зий-раклик энг муҳим вазифалардан бириға айланди. Бу эса кўп омилларға боғлиқ: маҳалла, мактаб ва коллеж ҳамкорлиги, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тарбия, хотин қизларнинг жамиятдағи фаоллигини ошириш...

## Хушёрликка даъват

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида ўтказилган семинарда ушбу масалалар муҳокима этилди. Исломи дини инсонларни эркинликка, маърифатға, бағрикенгликка, яхшилик ва аймонға ундайди. Аммо орамизда номоз ўқитиш баҳонасида ёшларни алдаб, турли ёт диний оқимларға даъват қилаётганлар учраб турибди. Бундай инсонларнинг мақсади бузғунчилик, ёмонликдан бошқа нарса

эмас. Лоқайдлигимиз, бепарволигимиз туфайли баъзида уларнинг шум ниятини сезмаймиз. Натижада айрим ёшлар экстремистлар тузоғиға илиниб қолмоқда. Тадбирда сўзға чиққанлар фалокатнинг олди олиниши ва бу борада доимо огоҳ бўлиш ҳақида фикр билдирдилар. Дарҳақиқат, шундай. Огоҳлик — давр талаби. Иллатларға муро-сасиз бўлмас, фарзандларимизни ёмонлар қўлиға бериб қўймаймиз! Раҳшон ШОДИЕВ.

## Ватан битта, мақсад битта!

Наманганда «Биз бир замон ва бир замин фарзандларимиз» мавзуйда анжуманлар бўлиб ўтди.

Ҳозирда Наманган вилоятида 80 дан зиёд миллат ва эллатга мансуб кишилар ўзаро ахил-иноқ яшайди. Уларни Ўзбекистон аталмиш умумий уйимиз, буюк мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги гоғлари бирлаштиради. Ёшлар маънавиятини янада юксалтиришға қаратилган тадбирларда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳодир Юсулов, Республика Байналмилал маданият маркази раисининг биринчи ўринбосари Сергей Миронов, вилоятдағи миллий маданият марказлари раислари, жамоатчилик вакиллари, турли миллатта мансуб иқтидорли ёшлар сўзларида ватанпарварлик туйғуси, истиқлол гоғларига садоқат, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, яқдиллик юртимизда олиб бориладиган ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим омилли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида «Огонёк» рус хор жамоаси, «Саньмул» корейс ракс гуруҳи бадийи чиқашлари, турли тилларда янграган қўшиқ ва лапарлар, жозибали рақслар қатнашчиларға кўтаринки кайфият бағишлади.

## Тадбир



## Огоҳлик — давр талаби

Хазорасп тумани Питнак шаҳрида яшовчи Отабек Сафоев 2008 йилда «ишлаб келаман», деб Россияға жўнаган эди.

Тюмень шаҳридағи қурилишлардан бирида ишлаб, 2009 йилнинг кузида ортиға қайтди. Сирдарё божхона постидан ўтаётган юкларини божхона баён-масида қайд этди. Лекин у сумкасидаги нарсаларни ушбу баён-мага ёзишни «унутиб» қўйган эди.

## Бузғунчилик

Божхоначилар унга тартиб-қондани тушунтиришди ва сумка ичидағи ашёлар қўздан кечирилди. Ундан божхона расмий хужа-тида кўрсатилмаган диний адабиётлар ҳамда бир дон «Дирол» сақич қутиси чиқди. Буни қаранг-ки, қути ичида сақич эмас, компютер хотира флешкаси бор эди. Флешка «Ўқиб» қўрилганда унда «MREJ Video» ва DAT форматдағи Ўзбекистон ислом ҳаракатиға қарашли «Жундуллоҳ» (Аллоҳ аскарлари) томонидан тайёрланган

ислом фундаментализми, экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм гоғлари, мақсад ва вазифалар хуусида Ўзбекистон Ислом ҳаракати деб номланган террорчилик ташкилоти раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасининг амалдағи тузумини Конституцияға хилоф равишда ўзгартиришда, ҳокимиятни босиб олишға қаратилган даъватлари, видео материаллар жойлаштирилган бўлиб чиқди. Отабек Сафоев эса гўёки флешка ичига нима ёзилганини билмасмиш... Унда неға флешка-

ни «Дирол» сақичи қутиси орасиға яширган? Неға божхона баён-масиға айнан уни ҳам киритиб қўйишни унутиб қўяпти? Экстремизм, диний ақидапарастлик бугун инсоният бошиға кўплаб кулфат ёғдиromoқда. Одамзот тинчлигиға, хавфсизлигиға, хотиржамлигиға тажовуз қилмоқда. Юртимиздағи тинчлик ва фаровонликнинг қадрига этиб, уни асраб-авайлаш ўрниға турли бузғунчи тудаларнинг пана-пасткам жойлардан туриб айтаётган иғвогарона гапларини эшитиш, ташиш, етказиш жиноят эмасми, юртға хоинлик эмасми. Бундайларни қонун ҳам, элу юрт ҳам кечирмайди.

Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ, Жиноат ишлари бўйича Хазорасп туман суди раиси.


## Лоқайдлик қимматға тушади

Аҳоли ўртасида диний-маърифий ишларни олиб бориш, айниқса, ёшларимизни турли ёт оқимлар таъсиридан асраш маҳалла фуқаролар йиғинлари олдидағи муҳим вазифалардан саналади.

Бунинг учун авало, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда диннинг экстремизмға алоқаси йўқлиги, ақидапарастлар диндан ниқоб сифатида фойдаланётганини ҳаётий мисоллар асосида тушунтириш талаб этилади. Янгийул тумани Ниёзбоши кишлоғининг Ойбек ма-

ҳалласида бўлиб ўтган тадбир ҳам диний экстремизм хавф-хатари ва унга қарши курашиш чора-тадбирлариға бағишланди.

— Бепарволигимиз бор, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бекмирза Холмирзаев. — Кўпчилигимиз ноқонуний хўжра ёки «так-водор»ларнинг галати «маросим»ларига гувоҳ бўлсакда, бузғунчиликдан иборат даъватларни эшитмасак-да, эътироз билдирмаймиз. «Хой биродар, неға бузғунчилик қилаясан?» демаймиз. Ваҳоланки, бундай лоқайдлик қимматға тушиши, ёшларимиз улар таъсирига берилиши мумкин. Хушёр ва огоҳ бўлсак, бу балоға қарши ҳамжихатлида курашсак фарзандларимизни хавф-хатардан асраган



булаемиз. — Ислом динининг асл мақсадини билмаган, бу соҳада ҳеч қандай билимға эға бўлмаган баъзи кимсалар муқаддас динимиз номидан гапириб, жиходға, бузғунчиликка даъват қилмоқда, — дейди Янгийул тумани бош

имом хатиби Ориф хожи Йўлдошев. — Динда беғуноҳ одамнинг қонини тўкиш оғир гуноҳ ҳисобланади. Биз Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотурридий каби ислом дунёсида машҳур бўлган мутафаккирлар авлодимиз. Шунинг учун дин нима, ақидапарастлик нима эканини, экстремистларнинг динға мутлақо алоқаси йўқлигини яхши билаемиз. Дин бу насихатдир. Хар қандай насихат эса фақат яхшиликка ундайди. Тадбирда сўзға чиққан маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ҳам ёт диний оқимларға қарши курашиш, бу борада доимо огоҳ бўлиш лозимлиги ҳақида гапиришди.

Тадбир сўнгида ноқонуний диний оқимларға қўшиқ оқибатлари акс эттирилган «Аросат» фильми намойиш қилинди. Аҳмаджон РИХСИБОВ.

Мирзо Улуғбек туманида рўйхатға олинган «Svetmet-Servis» МЧЖ устав жағмармасининг 259 902,5 минг сўмдан 2 000 000 сўмға қамайтирилганлигини маълум қилади. Маълумот учун телефонлар: 237-12-85, 237-49-09.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан Қутбиддин Шамсиев кўчаси, 12-уйда яшовчи Қосимов Турсуномига берилган ўй плани йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.